

## МАҲАЛЛА – АҲИЛЛИК ВА ТАРБИЯ МАСКАНИ.

Ҳақлиев В.Б

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ 2-сон Тошкент Академик лицей ўқитувчиси, т.ф.н.,  
доцент*

Мамлакатимизда маҳалла фуқаролик жамиятининг асосий институтларидан бири сифатида йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Маҳалла халқимизнинг тарихан шаклланган бирлиги сифатида ягона мақсад билан яшашга, фаолият олиб бориш маконига айланган.

Маҳалла<sup>31</sup> қадим замонлардан ўз ўзини бошқариш органларининг илк куртаклари сифатида намоён бўла бошлаган. Шарқда бу жараён бир неча минг йиллик тарихга эга.

Мустақиллик туфайли фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг қонуний мақомини мустаҳкамлашга, уларни фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир қатор ислохотлар амалга оширилди ва бу жараён яна давом этмоқда. Ўзбекистонда маҳаллалар фаолияти мустақиллик даврига келиб, қайта тикланди. Ўзбекистон Конституциясининг 127-моддасида маҳалла мақоми фуқароларни ўзини-ўзи бошқариш органи сифатида мустаҳкамланди.<sup>32</sup>

Маҳаллаларнинг аксарияти ўзининг қадимги номларини ва халқ ўртасидаги обрў-эътиборларини қайтадан тиклаб олди. Шунинг учун 2023 йил 20 декабрда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида ушбу масалага эътибор қаратилган: "Маълумки, барча ислохотларимиз замини ва кўзгуси бу – маҳалла. Жамиятимиздаги барча жараёнлар маҳалла ҳаётида ўз ифодаси ва амалий ечимини топади.

Маҳалла – тинчлик ва осойишталик пойдевори, аҳиллик ҳамда ҳамжиҳатлик, маърифат ва тарбия кўрғонидир."<sup>33</sup>

Конституциядан келиб чиқиб ўзини ўзи бошқариш органларига оид ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Буларга «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги, «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқол) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги қонунларни киритиш мумкин.

Президент Шавкат Мирзиёев маҳалла ҳақида шундай фикрларни билдирган: "Маҳалла халқ билан давлат ўртасидаги кўприк бўлиши керак. Одамларнинг қувончу ташвишидан доимо хабардор бўлиш маҳалланинг асосий вазифасидир"<sup>34</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунини Фуқаролар йиғини кенгашининг ваколатлари ҳақидаги 13-моддасида "хотин-қизларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, уларнинг жамият ҳаётидаги, оилада маънавий-ахлоқий муҳитни

<sup>31</sup> «Маҳалла» арабча сўздан келиб чиқиб, "шаҳар ичидаги шаҳар" маъносини англатади.

<sup>32</sup> ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ КОНСТИТУЦИЯСИ . Мазкур янги тахрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 2023 йил 30 апрель куни ўтказилган Ўзбекистон Республикаси референдумида умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган.

<sup>33</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномаси 2022 йил 20 декабрь

<sup>34</sup> <https://president.uz/uz/lists/view/409>

шаклантиришдаги, ёш авлодни тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган чоратadbирларни кўради." деб белгилаб қўйилган.

Тарихда маҳалланинг ички ҳаётида қилинадиган ишларга қуйидагилар кирган: а) қишлоқда тинчлик-осойишталикни сақлаш; б) ёш авлоднинг тарбиясига эътибор бериш ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш; в) бева-бечораларга, қаровчисиз қолган қарияларга ёрдам бериш; г) жамоа ишларида қатнашиш, яъни масжид, кўприк, йўл қуриш, ариқ-зовурларни<sup>35</sup> тозалаш ва бошқалар.

Маҳалланинг ёш авлодни тарбиялашдаги ролини алоҳида таъкидлаш муҳим. Бу ерда боланинг маънавий камол топиши, етук инсон бўлиб улғайиши фақат ота-онанинг эмас, балки бутун жамоанинг вазифасига кирган. Ёш авлод тарбияси миллий удумлар - каттани ҳурмат, кичикни иззат қилиш ва бошқалар асосида олиб борилган. Ёшларни ўзаро ёрдам, биродарлик, мураса-мадора, ватанпарварлик, юртга садоқат руҳида тарбиялаш муҳим ҳисобланган. Анъанавий урф-одатларнинг бажарилиши жиддий назорат қилинган. Жамоа аъзолари ҳар бир ўғил-қизнинг баркамол бўлиши учун қайғурган. Жамоанинг тарбиядаги талабларини бажармаганлар аввал шунчаки огоҳлантирилган, шунда ҳам қутилган натижа бермаса, жамоа иззаси, ҳурматли кишиларнинг кафиллиги ва бошқа чоралар кўрилган. Масалан, ахборотчи Шерматов Мамажон шундай маълумотлар беради: "Гарчи ўшанда мен ёш бўлсамда, ҳозиргидай эсимда, қишлоғимизда Косонсой томондан келиб қолган Аҳмад исмли ўспирин далада ўтлаб юрган отимизни ўғирлаб, Чуст бозорида сотмоқчи бўлиб турганда, ҳамқишлоғимиз отни таниб қолади ва Аҳмадни қишлоққа тутиб келтиради. Ҳамқишлоқлар қишлоқ оқсоқоли Тошвой мерган бошчилигида Аҳмадни қилган ишини муҳокама қилишади. У айбидан пушаймон бўлиб, тавба-тазарру қилиб, кечирим сўрайди. Давлат ака деган киши Аҳмадни бундан кейинги тарбиясини ўз кафиллигига олиб, тўпланганларга ваъда беради. Шу-шу Аҳмад бундай номаъқулчилик қилмай, анча йиллар жамоа подасини боқиб юрди."<sup>36</sup>

Олинган маълумотлар шуни кўрсатадики, ўтган аср бошларида қишлоқларда ўғрилиқ, босқинчилик, ахлоқий бузуклик, бировлар жонига қасд қилиш каби аҳён-аҳёнда бир учраб турадиган ҳолатлар бўлган, холос.

Ёш авлоднинг камол топишида маҳалдаги анъана ва маросимлар ҳам муҳим рол ўйнайди. Булар қаторига наврўз ва гул байрамлари, рамазон ва қурбон ҳайитлари, қўш оши, қовун сайли, худойи, сумалак пишириш, гап ва бошқаларни киритиш мумкин.

Қадимий халқ байрамларидан ҳисобланган Наврўз республикаимизнинг барча худудларида бўлгани каби Фарғона водийси шимолидаги қишлоқларида ҳам кенг нишонланиб келинган. Байрам арафасида уй, ҳовли ва кўчаларни супуриб тозаганлар. Ҳовлида кераксиз эски нарсалар, ҳовли ёки кўчаларда қуриган дарахтлар<sup>37</sup> бўлса, қўпориб олиб ташланган<sup>38</sup> ва ташқарига чиқарилиб ёкиб юборилган.

<sup>35</sup> Қаранг: **ЗОВУР** — ер ости ва сизот сувлари сатҳини пасайтириш, тўқайзор ва зах ерларни қуритиш мақсадларида зах сувларни чиқариб ташлаш учун казилган **арик** ёки **канал**. <https://qomus.info/encyclopedia/cat-z/zovur-uz/>

<sup>36</sup> Дала материаллари, 1994 йил декабр

<sup>37</sup> Кексаларнинг айтишларича, қуриган дарахт хосиятсиз бўлиб, шу ҳовли ёки қишлоққа ҳар хил кўнгилсизликларга олиб келиши мумкин экан.

<sup>38</sup> Дала материаллари. 1991 йил март.

Наврўз тантаналари қишлоқ гузарида бошланиб, байрам сайиллари қишлоқнинг сайлгоҳида давом этган. Байрам бошланишидан бир кун олдин сумалак пиширилган, кўкатли, гўшти сомсалар, сутли патир нон, ширинлик ва бошқа пишириқлар тайёрлаганлар.

Байрам кунлари қишлоқ сайилгоҳида улоқ, кураш, пойга, ёнғоқ, ошиқ ўйинлари бўлиб ўтган. Наврўз байрамида ҳар хил гина-кудуратлар унутилган, аразлашганлар шу кундан яна илгаридек гаплашиб, ярашиб кетишган. Байрам қатнашчилари эса бир-бирларига нисбатан хушмуомалалик, ширинсўзлик билан мурожаат қилишган, чиройли, тоза кийимлар кийишган.

Кўш оши. Деҳқончилик ишлари - ерга биринчи уруғни қадаш "кўш оши" билан бошланган. Шу куни қишлоқдаги ўзига тўқ кишилардан бири мол сўйиб, бутун қишлоқ аҳолисини меҳмон қилади. Ёши улуғ, тажрибали деҳқонлардан бири ерга илк уруғни қадаб берган. Уни экишда деҳқончиликнинг пири - "Бобо деҳқон"дан<sup>39</sup> ҳосилнинг мўл, сувнинг сероб бўлиши сўралган. Тажрибали деҳқонлар ёшларга ер ҳайдаш, экин экиш, уни суғориш ҳақида маслаҳатлар берганлар. Илк экин экиш тантанаси деҳқонларга кейинги ишларини муваффақият билан боришига ўзига хос маънавий мадад берган, кайфиятларини кўтарган.

Оммавий ўйинлар. Шимолий Фарғона қишлоқларида оммавий ўйинлар ҳам кенг тарқалган. Улар орасида кураш, улоқ, улоқча, пойга, ағдаришма ва ит-тортув<sup>40</sup> каби ўйинлар алоҳида ажралиб туради.

Кураш. Кураш тўйларда, байрамларда бўлиб ўтган. Кураш бошланишидан аввал ҳакамлар ҳайъати тузилган. Ҳайъат таркибига қишлоқ оқсоқоли, ёши улуғлар, ёш бўлса-да кураш сирларини яхши биладиганлар киритилган. Бу кишилар ҳар бир мусобақа бошланишидан олдин кураш тушишга шайланганларга унинг қоидаларини: оёқ билан чалмаслик, ердан даст кўтариб йикитиш, йиқилганни иккала елкасини ерга теккизиш, кўпол ҳаракатлар қилмаслик ва ҳоказоларни тушунтиришган. Кураш ғолибга рақиб топилмагунча давом этган. Курашда ютиб чиққан полвонларга ҳар хил мукофотлар, тўн, жонлик<sup>41</sup> ва бошқалар берилган.

Оилавий маросимларда қишлоқ жамоасининг роли юқори бўлганлигини таъкидлаш билан бирга бу тадбирлар ёш авлод тарбиясида ҳам катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслигимиз керак.

Тўй ва бошқа оилавий маросимлар ижтимоий ҳаёт зарурияти натижасида пайдо бўлган ва бу маросимлар қадим замонлардан жамоа билан ўтказиладиган анъаналардир. Анъанага кўра, жамоанинг шодиёнаси ёки қайғули воқеалари унинг барча аъзоларини фаол иштирокида ташкил этилиб, улар билан биргаликда ўтказил-

<sup>39</sup> Бобо деҳқон - 1) Марказий Осиё халқларининг мифологиясида деҳқончилик ҳомийси. Исломдан олдин вужудга келган тимсол. Мифларда Б.Д. одамлар учун турли нарсалар - олов, ўсимликлар, меҳнат қуролларини топиб берадиган ёки дастлаб уларни яратган, уларга ов қилиш, ҳунар ва санъатни ўргатадиган, улар орасида ижтимоий тартиб, никоҳ қоидалари, сеҳргарлик, урф-одат ва байрамларни жорий этадиган афсонавий шахс, бақувват кекса деҳқон сифатида талқин этилган. Афсоналарда айтилишича, Б.Д. биринчи бўлиб омов ва суғориш ариқларини ихтиро қилган. <https://savollar.islom.uz/atama/3358>

<sup>40</sup> Шаниязов К.Ш. К этнической истории Узбекского народа. -Т., 1974.. С.332.

<sup>41</sup> «Жонлик» деганда ўй ҳайвонлари эчки, қўй, мол, от ва туяларга нисбатан айтилади. Бу сўз фақат Оллоҳ йўлига сўйиладиганларга нисбатангина ишлатилмаган.

ган.

Бешик<sup>42</sup> солди. Маълумки чақалоқ туғилган вақтдан бошлаб чилла<sup>43</sup> даврига киради. Чиллани хонадонга бегона кишилар кирмаслиги, чиллани уйдан кечқурун ҳеч ким ташқарига чиқмаслиги иримларига риоя қилинган.

Бола туғилгандан кейин муҳим тадбирлардан бири бешикка белашдир.<sup>44</sup> Бешикка беловчи кампир оғзига озгина нон тишлаб олади, сабаби келажакда чақалоқ нонга зор бўлмасин, деган рамзий маънони аниқлатган.

Бешикка белашда, агар чақалоқ ўғил бола бўлса, улғайиб абжир чавандоз бўлсин, деган ниятда бешик устига қамчи, қиз бола бўлса, қўли гул чевар бўлсин, деб қурама каштали ёстиқ қўйиб қўйилади. Чақалоқни бешикка белашда кампирлардан бири: "Имон кирсин бешикка, шайтон чиқсин эшикка", - деб айтиб турган.<sup>45</sup>

Бешик маросимлари фақат умумий бир ният ва мақсад чақалоққа узоқ умр, соғ-саломат юриши каби эзгу-тилакларга йўғрилганлигидир. Бу маросимда қишлоқ онахонлари ёш онага болани боқиш, чўмилтириш, ҳар хил муолажала қилиш ва бошқалар ҳақида ўзлари билганларича маслаҳат беришган, уларга алла айтишни ўргатишган.

Бешик тўй. Бешик тўйи чақалоқнинг чилласи чиққандан кейин ўтказилиб, уни келиннинг ота-онаси ташкил этади, камини эса куёв томон тўлдирган. Бешик билан келтирилган нарсалар, сарпо-сурпалар оиладаги хотиржамликни, тотувликни таъминлаган.

Тушов кесди. Тушов кесди<sup>46</sup> бола атак-чечак қилиб юра бошлаганда ўтказилган. Чунки унинг юра бошлашини оилада катта қувонч билан кутиб олинган. Шунинг учун болақайни бемалол юриб кетишини тилаб, тушов кесди қилинган. Бунинг учун ота-она ёши катталарни ва болаларни уйига таклиф қилади. Боланинг оёғи тушовланади, оёғи остига 3-5 м узунликдаги поёндоз тўшалади. Болани отаси тик ушлаб турган пайтда, белгиланган масофадан кексалар чопиб кела бошлайдилар. Бола турган жойга биринчи бўлиб етиб келган, унинг тушовини қайчи билан кесади. Маросим пайтида боланинг устидан сочқи<sup>47</sup> сегилади. Тўпланган болалар уни териб оладилар. Боланинг отаси тушов кесганга яхши совға инъом этади, шундан сўнг келганларга оқлиғ<sup>48</sup> берилади. Ушбу маросим ҳаётида илк марта юраётган фарзандга оқ йўл тилаш ниятида ўтказилган. Маросимдаги югуришда олдин келган кишидек ҳаётда доимо илғор, қоқилмай-суқилмай юриши тилаб дуо қилинган. Тушов кесди маросими бугунги кунга қадар сақланиб қолган.<sup>49</sup>

Суннат тўй. Қишлоқларда ўғил бола учун суннат тўй қилиш одати бўлган. Манбаларга қараганда бу одат жуда қадимдан, ҳаттоки Авесто даврида ҳам Туронда

<sup>42</sup> БЕШИК — чақалоқни белаб ва тебратиб ухлатиш учун мўлжалланган йўрға оёқли махсус мослама.

<sup>43</sup> ЧИЛЛА (форстож. - қирқ) - турмушдаги баъзи ҳодисақолатларнинг энг оғир, хатарли ёки маъсулиятли даврини аниқлаш учун [тушунча](http://qotus.info/encyclopedia/cat-ch/chilla-uz/).

<sup>44</sup> Қаранг: Ташбаева Т.Х, Савуров М.Д. Новое и традиционное в быту сельской семьи узбеков. -Т., 1989. -С.101.

<sup>45</sup> Дала материаллари, 1992 йил май.

<sup>46</sup> Тушов - от ва молларни узоққа кетиб кетмаслиги ёки умуман юриб кетмаслиги учун олдинги ёки орқа оёғини туташтириб боғлаб қўядиган арқон.

<sup>47</sup> Сочқи сочиш Тошкент вилояти қишлоқларида ҳам бўлган. Қаранг: Ташбаева Т.Х, Савуров М.Д. Кўрсатилган асар. -С.103.

<sup>48</sup> Тадбирга келганларга миннатдорчилик сифатида бериладиган оқ рангли сурп мато

<sup>49</sup> Дала материаллари,

мавжуд эди. Ислом динининг Марказий Осиёга кириб келиши билан ушбу одат янада мустаҳкамланди.<sup>50</sup> Суннат қилиш мусулмончиликнинг асосий шартларидан бирига айланиб, бу маросим тўй билан нишонланадиган бўлди. Суннат тўйидан олдин ёки кейин ўғил болани "ётқизиб қўйилади". Халқ шеvasида "чупуран", "қўлини ҳалоллаш" деб ҳам аталади. Чупуранга хатна қилувчи сартарош ва жамоанинг эркаклари таклиф этилади. Чупуран боланинг тоқ ёшида, дарахтлар уйғонмасидан бурун қилинади. Бола хатна қилингандан сўнг, келганлар уни ва отасини навбат билан табриклашиб, ҳар хил совғалар беришади. Тез кунларда соғайиб кетишини тилашиб, қўнғилларига таскин беришади.

Юқорида кўрсатиб ўтилган ишлар жамоа аъзоларининг фаол меҳнатлари эвазига бажарилган. Тўй ва маросимлардаги ўзаро ёрдам фақат Шимолий Фарғонада ёки Ўзбекистонгина эмас, балки бутун Марказий Осиё халқларида ҳам кенг тарқалган.<sup>51</sup>

Никоҳ тўйи. Анъанавий никоҳ тўйлари Шимолий Фарғонада бир неча босқич: бешиқда унаштириш, совчилик, нон синдириш, фотиҳа ва катта тўйга бўлинади.

Бешиқда унаштириш. Қадимда туғилган ўғил ва қизни бешиқда ёки чақалоклигида унаштириш удуми ҳам бўлган. Бу ота-оналарнинг ўзаро розилиги билан амалга оширилган. Бешиқда унаштиришни айрим қишлоқларда "қулоғини тишлаш" деб ҳам аталган. Улар улғая бошлашларидан бир-бирини кўриб, учрашиб туришларига рухсат берилган. Байрамларда йигит номидан қиз томонга совға-салом юбориб турилади. Бешиқда унаштириш Марказий Осиё халқларида ҳам мавжуд бўлган. Жумладан сирдарёликларда у "бешиккерт" деб аталган. Бу одатлар турлича номланса-да, бир мақсадга яъни ёшларни бахтли турмуш кечиришларига, ота-оналарнинг дўстлигини давом эттиришга қаратилган.

Этнографлар В.Наливкин ва М.Наливкиналар ушбу удум ҳақида: "Йигит ва қизнинг ота-онаси яқин дўст бўлади. Совчилик, тўй, қалин бериш анча енгиллашади," - деб ёзадилар.<sup>52</sup> Албатта, бу ҳолда ёшларнинг ота-онаси учун моддий томондан тўй ўтказиш бирмунча енгиллашади. Масаланинг иккинчи томони ҳам борки, айрим ҳолларда йигит ва қиз вояга етганларидан сўнг, улар бир-бирларини ёқтирмай қолишлари ҳам мумкин.

Совчилик. Никоҳ тўйи совчиликдан бошланган. Фарғона водийси қипчоқларининг никоҳ тўйлари этнограф олим К.Ш.Шониёзов томонидан жуда яхши ёритиб берилган.<sup>53</sup> Шунинг учун биз кўпроқ ўтроқ аҳолининг никоҳ тўйлари ва унда қишлоқ жамоасининг роли ҳақида тўхталамиз.

Совчилик ўғли борнинг қизни кига харидор бўлиб боришидир. Йигитнинг ота-онаси фарзанди учун келин топса, совчиликка боришдан аввал, унинг оиласини билганлардан сўраб суриштиради. Сўнгра совчиликка боришади. Совчиликка аксар

<sup>50</sup> "Фан ва турмуш" журнали. 1991 йил. №3.

<sup>51</sup> Масалан, шундай ёрдамни қозоқлар "саун", туркманлар "ювар" деб аталиб, уларнинг мазмун ва моҳияти деярли бир хил бўлган. Қаранг: Толибеков С.Е. Кочевое общество казаков в XVIII - начале XX века. -Алма-Ата, 1971. С.530; Берштам А. Проблема распада родовых отношений у кочевников Азии //СЭ. №6. -М-Л., 1934. -С.112; Кисляков Н.А. Патриархально-феодалные отношения среди оседлого сельского населения Бухарского ханства в конце XIX - начале XX в. //ТИЭ, нов. сер. Т.74. -М-Л., 1962. С.130

<sup>52</sup> Наливкин В. и Наливкина М. Очерк быта женщины оседлого туземного населения Ферганы. -Казань, 1886 С.193.

<sup>53</sup> Шаниязов К.Ш. Кўрсатилган асар. С.206-227.

ҳолларда йигитнинг онаси, яқин қўшниларидан ёки қишлоқнинг сўзамол хотинларидан бири билан борган. Анъанага биноан совчиликка уч мартагача борилган. Бу ҳолда ҳар гал совчиларнинг таркиби, сони ўзгариши мумкин бўлган.

Нон синдириш. Қиз томоннинг розилиги олинса, нон синдириш маросими ўтказилган. Маросимга оқсоқол, оқсоқоллар кенгаши аъзолари ва бўлғуси келин-куёвнинг яқин қариндошлари таклиф этилади. Бола-чақаси кўп, оиласи тинч, бир марта уйланган қариялардан бири махсус атаб ёпилган 2 та патир нонни устма-уст қўйиб йиғилганларнинг кўз олдида синдиради. Нон синдириш - икки ёшнинг ўша кундан эътиборан, унаштирилганлигидан далолат берган. Анъанавий нон синдириш удуми Марказий Осиёнинг барча халқларида бўлган.<sup>54</sup>

Фотиҳа тўй. Йигит билан қиз унаштирилганидан кейин уларнинг "яширинча" учрашувлари бўлган. Бунинг учун янгалар келин-куёвнинг учрашуви ҳақида олдиндан келишиб олишади. Учрашув кечқурунлари қизнинг уйида ёки қўшнисиникида бўлиб ўтган. "Яширинча"<sup>55</sup> учрашувларни уларнинг ота-оналари билишса ҳам гўё эътибор бермагандек бўлишади. Шундай учрашувлар ёшларнинг бир-бирларини яқиндан билишларига имкон берган. Улар бир-бирларини кўришиб, кўникма ҳосил қилиб боришган.

Катта тўй. Никоҳ тўйи келин-куёвнинг ота-оналарини имкониятларига қараб ўтказилган. Тўйдан олдин келинникига "юк" (қўй, ун, ёғ, ўтин ва бошқалар) жўнатилган.

Ушбу тадқиқотда қишлоқ жамоасининг ижтимоий ҳаёти ва унинг ўзига хос хусусиятларини очиб беришдан иборат тадқиқот жараёнида, биз маҳалла ёш авлоднинг маънавий ва жисмоний тарбиясида асосий бошланғич бўғин, деган хулосага келдик.

Кексалар анъанага биноан ёш авлодга ўз маҳаллалари тўғрисида доимо маълумот бериб келишган, бу анъана авлоддан-авлодга ўтиб келган.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда ва унга асос қилиб қуйидагиларни тавсия этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Анъанавий жамоа муносабатларига мурожаат этиб, уларнинг мақбул кўринишларидан ҳозирги кунда ҳам кенг фойдаланишни йўлга қўйиш.

2. Жамоанинг анъанавий ёрдам, кўмак усулларини амалиётда кенг ва ўринли қўллаш.

3. Қишлоқ жамоасининг меҳр-шафқат, бирлик, тарбия ва кишилар ўртасида дўстлик руҳини қарор топтиришга йўналтирилган ижобий жиҳатларини ҳаётга кенг тадбиқ этиш ва ҳоказолар.

Уларнинг барчаси халқимиз фаровонлигининг ўсишига, буюк келажак сари дадил қадам ташлаб бораётган мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг ҳамкорлиги ва бирлигини оширишга, миллий ва умуминсоний қадриятларнинг тикланишига,

<sup>54</sup> Гаврилов М.Ф. Гаврилов Ф. Материалы к этнографии "тюрок" Ура-Тюбинского района //Труды САГУ, сер. II, вып. 2, -Т., 1929, С.10; Абрамзон С.А. Свадебные обычаи киргизов Памира. //ТИИАЭ АН Тадж.ССР. Т.СХХ. -Сталинабад, 1960. С.31.

<sup>55</sup> Зарафшон воҳаси қипчоқларида бундай учрашувларни қаллиқ ўйин, деб аташган. Қаранг: Шаниязов К.Ш. Кўрсатилган асар. С.133; Шундай учрашувлар ҳақида Қаранг: Лобачева Н.П. Формирование новой обрядности узбеков. - М., 1975. С.27, 45; Калмаков Н. Некоторые семейные обычаи киргизов северных уездов Сыр-Дарьинской области //Кауфманский сборник. -М., 1910.С.227.

Ўзбекистондаги турли миллат ва халқларнинг жипслашувига хизмат қилади.

Ватанимизда Мустақиллик шабадаси эсиши туфайлигина миллий кадриятларимиз яна қаддини ростламоқда. Неча асрлар давомида сайқалланиб келган урф-одатларимизнинг тўла тикланишига ва уни қандай бўлса, шундайлигича ўрганишимизга катта имкониятлар очилмоқда. Миллий кадриятларимизнинг қайта жонланишига давлат томонидан катта аҳамият берилмоқда.

Ҳақиқатда ҳам маҳаллага хос урф-одатларимизга қайта ҳаёт бахш этилиши Янги Ўзбекистоннинг гуллаб яшнаши ва мустақиллигимизни янада мустаҳкам бўлишига катта ҳисса қўшади.